

Анча вақтдан бери ўзбек миллати ҳақида мақола ёзаман деб юрибман. Ўзбек феномени деган ном билан. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатлари бўлгани каби ўзбекларнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган томонлари бор. Бу мақолани ёзиш нияти туғилгани сабаби – бугун барчамизда ўз халқимизга, ўз миллатимизга паст назар билан қараш руҳи устувор бўлиб қолди. Европага бориб ўша ерда яшаб қолган ёхуд



ЎЗБЕК КИМДИР?

интернет орқали “ривожланган” Ғарб дунёси ҳаётининг ялтироқ томонлари билан танишган ёшлар онгида ўзбекни танқид қилувчи хужайралар ишлаб бошлайди. Ўзбекистон тупроғида яшаб, ўзбек ёпган нонни еб, ўзбек халқи етиштирган ширин-шакар неъматлардан баҳра олиб, ўзбекларга, ўзбек миллатига тош улоқтираётган “азаматлар” ва “амазонкалар”га айтажак сўзларимиз йиғилиб бормоқда. Бу аслида масаланинг битта кичиккина, бироқ кўзга бўртиб ташланиб турган томони, холос. Асосий гап бошқа жойда. Яъни “муस्ताқил” Ўзбекистонда “истиклол фарзанди” ўлароқ улғайиб келаётган авлоднинг онгида ўзининг ким экани ҳақидаги саволга жавоб бериш зарурати бор. Россияга, Кореяга ва қадам етиши мумкин бўлган жамики жойларга бориб мусофирлик машаққатлари ичра тирикчилик қилиб юрган ўзбек миллати фарзандларига ўзларининг аслида ким эканликларини танитиш вақти аллақачон етиб келган.

“Ўзбек – бу қўрқоқ халқ. Ўзбеклар хушомадгўй халқ. Ўзбеклар бирлашмайдиган, боши бирикмаган халқ. Ўзбеклар қўймижоз халқ. Ўзбекларнинг келиб чиқиши тайини йўқ, бу масала ҳали аниқланмаган. Ўзбеклар

жаҳонга ўз интеллекти, иқтисодий ва сиёсий салоҳияти билан машҳур бўла олмайдиган, ўз таъсирига эга бўлмаган халқ. Ўзбек халқ қоқоқ халқ. Ўзбек халқи фарзандларига тарбия беришни билмайдиган халқ. Ўзбек халқ ҳар қандай қора меҳнатни қилиб кетаверадиган халқ. Ўзбек халқи ўз ҳақини талаб қилишни билмайдиган халқ. Ўзбек халқи маърифатдан йироқ, илмсиз, замона ривожига билан тенг юриш қобилиятига эга бўлмаган халқ. Ўзбек халқи муस्ताқил фикрлашдан йироқ халқ...”

Айни шу тушунчалар бугун кўпчиликнинг онгу шуурини забт этган. Биз бу таърифларнинг ҳаммасига ишонамиз. Инсон ишонган қоидаларига суяниб яшайди. Ишонмаган қоидага эса суянмайди. Биз ўзимизни ҳурмат қилмаслик касали билан оғриганмиз. Бу касалдан кутулмагунимизча, ҳақиқатан ҳам, юксак орзуларни масҳара қиламиз ва қайд этилган ва қайд этилмаган барча нуқсонлар устида умр ўтказиб юраверамиз.

Хўш, биз киммиз? Ўзбек кимдир?

Авалло, бу саволга жавоб беришдан олдин Каримов Ўзбекистонда ўзбек сўзи, ўзбек миллатининг келиб чиқиши устида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Чунки миллат

ўзини таниши ўз номи қайси маъно аниқлашиши ва аждодларининг кимлигини билиш билан бошланади.

Аҳмадали Аскарнов номли тарихчи академик, бироқ илм аҳли тан олмаган, нафақат тан олмаган, балки бир тийинга олмайдиган олимнинг тумтароқ, ҳажми ёстиқдек келадиган сафсата тўпламидан бўлак иш йўқ. Чунки ўз миллатини тагсиз, насабсиз қилиб кўрсатиши шарт бўлган замонда эсли-хушли

одам худди Аҳмадали Аскарнов каби мол-дунё учун бу қадар пасткашликка қўл урмайди.

Каримовнинг миллати аниқ эмас. Яъни унинг қайси миллатга мансублиги ошқор этилмайдиган сир даражасида сақланади. Уни яхудий деб тахмин қилишади. Бироқ яхудий бўлиб яхудийликни, ўзбек бўлиб ўзбекликни тан олмайдиган бу одамнинг сиёсати замирида ўзбек миллатини аслидан, илдизидан узиш мақсади ётибди. Бунга исботимиз тикилиб ётибди, аммо бир-иккитасини келтириш билан чекланамиз.

Ўзбекистонда бугун илмий тадқиқот олиб борадиган олимлар учун мавзулар чекланган. Қўл уриши мумкин бўлмаган, Ўзбекистон сферасида ёпиқ “зона” ҳисобланган мавзулар рўйхати қуйидагилардир:

1. Тасаввуф. Ўзбек адабиёти ёки тарихида тасаввуф бўлмаган, агар кимдир уни бор деса, демак, унинг учун эшиклар ёпиқ. Майли, бор деса ҳам, Тримингем, Бертелс, Бартолд каби ўлиб кетган ўрис ва яхудий олимларининг: “Тасаввуф исломга қарши ўлароқ пайдо бўлди, унинг замирида насронийлик, буддавийлик ва қадимги юнон фалсафаси ётибди” – деган қатор

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

гапларни асос қилиб олиши шарт. Тасаввуф Куръонга суянади, тасаввуф айни Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига оғишмасдан ҳаётнинг ҳар бир нуқтасида амал қилишдир деган одам илм олампидан бадарға қилиб юборилади. Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижодини тасаввуф манбаси ўлароқ ўрганиш росмана тақиқланган.

2. Ўзбекистон тарихидаги исломий илмларнинг ривожланиши билан боғлиқ мавзулар мумкин эмас. Фикҳий асарларнинг қўлёзмалари, фақиҳларнинг таржимаи холи, Форобий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқаларнинг тарбияси замирида нима ётгани, қайси сабаблар ила улар бу қадар буюк шахслар бўлиб етишгани очикланмайди. Номлари тилдан қўйилмайдиган аждодларнинг ҳеч бир асари нашрдан чиқарилиб оммавий шаклда аҳолига етказиб берилмайди. Тақиқланган.

3. Турк миллатлари ва Туркистон тарихи. Ўзбек халқи турк миллатларининг боши бўғини, асоси деган гап айтилмайди. Туркистон деган ҳудуд бутун дунё туркларни учун ҳақиқат бешик бўлгани ҳақидаги ҳақиқатлар яширилади. Қардош миллатларга қайғуриш туйғуси йўқотилиб, ўрнига ўрисларга ва бошқаларга куллиқ қилиш фикри сингдирадилади.

4. Жадидлар мавзуси. Энг хавфли ва берк масала. Жадидлар ижоди юзасидан бугунги кунда бирор докторлик ёзиш мумкин эмас. Хусусан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди. Бечора шоир Каримов ё унинг атрофидагиларнинг арпасини хом ўрганми, уларнинг онасини хафа қилганми, Ҳамза мавзуси қатъиян тақиқда.

Бу умумий маълумотлар, холос. Аммо тизимнинг ичига кирсангиз, шахсий адоватлар, ўзаро ҳасадгўйлик ва ичқоралиқдан бўғиласиз.

Демакки, ўзбек халқи – ўзбек миллати ўзини танишининг асосий – ўзининг ҳаққоний тарихини билмақдир. Бироқ бу тарих сохталаштирилиб, бу ҳам камдек,

ўрганиш тақиқланар экан, халқ қандай қилиб ўзини танисин?! Албатта, бу миллат ўзининг кимлигини била олмай гаранг ҳолда вақт исрофи билан машғул бўлади.

Хўш, ким йўл бермаяпти ҳаққоний тарихни ўрганишга? Ким юқоридаги мавзулардан сўз очишга ҳам тақиқ қўйди? У ким бўлдики, ўзбек халқини аждодлардан қолган маънавий меросдан маҳрум қилди?

Шубҳасиз, у одам – Ислон Абдуғаниевич Каримовдир. Унинг шахсий кўрсатмалари ва миллатсиз, насабсиз югурдаклари, маслаҳатгўйлари ўзбек халқининг асл тарихини сохталаштириш ва халқдан яшириши билан банд. Чунки ўзлигини таниган миллат ўз бошида бундай калтафаҳм чолнинг ҳоким бўлишига ҳеч қачон рози бўлмайди. Яъни Каримов режими барҳам топади.

Хўш, ўзбек халқи аслида ким? Ўзбек халқи – маърифатга ташна халқ. У ўрганишни қадрлайди, илмиларни эъзоз қилади. Миллатимизни миллат қилиб турган хусусият унинг маърифатидир.

Иккинчидан, ўзбек халқи камтар ва меҳнатқашдир. Унинг сабр-тоқати юксак. Инсоф ва иймони бутун. Самимий. Ростгўй. Меҳмондўст. Бағрикенг. Болажон халқ. Шунча яхши сифатларга эга бўлган миллат қандай қилиб ҳасадгўй ёхуд бирлашмайдиган даражада ўзаро бегона бўлиши мумкин? Бу ақлга тўғри келадими? Ўзбек ёшлари чиндан ҳам ўта қобилиятли. Аммо шунча қобилият ва миллатнинг бу қадар юксак фазилатлари нима учун ўз мевасини бермайди?

Хорижга чиқиб қолсангиз, сизга қўл чўзадиган инсон, албатта, ўзбек бўлади. Ўзбек ҳеч қачон ўз биродарини ёрдамсиз қолдириб кетмайди. Чунки унинг қалбидаги инсоф ва иймон бунга йўл қўймайди.

Савол ҳақли: ўзбек халқи шу қадар фазилатларга бой экан, нима учун бирлашмайди? Нима учун бошида золимларнинг қамчи ўйнатишига рози?

Ўзбек халқи ҳеч қачон золимларнинг қамчисига рози бўлмаган. Фарзандларини у баъзи вақтлар ҳимоя қила олмади. Чунки ўзбек халқи тоза бир миллат. Самимий бир халқ. У ваъдаларга ишонар эди. У ёлғонни билмагани учун барчани ўзи каби ростгўй деб билар эди. Шу сабабли у золимларга

ишониб қолди. Икки эмас, миллион юзли мунофиқларнинг сохта кўзёш ва ёлвориларига ишонди. Бу ишончдан фойдаланган золимлар унинг бошига чиқиб олди.

Ўзбек халқи ҳамиша золимнинг ҳам яхши томонини қидириб яшади. Балки у рост гапирётгандир деди. Аввалги иш ўхшамаган бўлса, кейингиси ўхшар деб ўйлади. Ўзини йўлбошчи деб эълон қилган одамнинг ижобий томонларини ҳам қидирди.

Ўзбек халқи ҳеч қачон ёлғонга, риёга суянмади. У ишонувчан, холос. Атрофни ножинс ва насабсизлар босиб кетганда, уларга ҳам ишониб қолди. Бу, балки, у қадар ишонарли фактор эмасдир сизга, лекин мен бунга ишонаман. Дунёнинг бирор нуқтасида ўзбек халқидек бирор самимий ва меҳрибон миллатни топиш маҳол.

Аммо ножинслар, зоти пастлар кўп хурсанд бўлмасинлар. Мен яқинда Ўзбекистонда бўлдим ва барча вилоятларни кезиб чиқиб гувоҳ бўлдимки, сукут қилиб турган одам зулмга рози дегани эмас, балки сукут унинг исёндир. Золим ит каби кутуриб ўқирмасин, у жим. Жим турадики, қалбида бир ғазаб, ҳақиқатга бўлган ташналиқ аланга олади. Бу аланга, албатта, золимни куйдириб, кулини кўкка совуради.

Бугун бутун республикада Ислон Каримовга қарши руҳ ҳукмрон. Халқ ундан совуган. Ҳеч ким унга ишонмай қўйган ортиқ. Бугун Ўзбекистон халқи, ўзбек миллати катта ЯНГИЛИК кутяпти. Ҳаёт ўзгаришини куляпти. Парда ортида, ер остига бунга ҳаракат бошланган.

Ўзбекистон муҳолифат йўқ деганлар адашадилар. Муҳолифатнинг борлиги парламент минбаридаги танқидчи нотик билан эмас, халқ орасидаги адолатпарвар, ҳақиқатсеварларнинг борлиги билан белгиланади. Ўзбекистонда жуда улкан муҳолифат бор. Айнан, Республика ичида! Буни комил ишонч билан таъкидлайман: Ўзбекистон Республикаси ичида Ислон Каримов режимига қарши кайфиятдаги куч бор!

Бу куч таркиби зиёлилар, бизнесменлар ва оддий хунарманд қатламдан иборат. Каримовнинг атрофига йиғилиб олган бир ҳовуч хушомадгўй ҳеч қачон бутун бошли ўттиз миллион халқнинг мақсад ва орзуларининг тамсили бўла олмайди.

Абдуллоҳ Нусрат



Гулнора Каримовага тегишли дея ҳисобланган ширкатининг 135 миллион доллари мусодара қилинади

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, 20 июль куни Ҳолландиянинг Амстердам шаҳри маҳкамаси «Ўзбекистон президентининг тўнғич кизига алоқадор Takilant Ltd. ширкатини VimpelCom Ltd. and Telia AB ширкатларидан симсиз частоталар учун катта миқдорда пора олишда айбдор», деб топган. Суд ҳукми билан Гибралтарда рўйхатга олинган Takilant ширкатининг хориж банкларидаги 135 миллион доллар пули мусодара қилинадиган бўлди.

Мусодара баробарида Takilant ширкати 1,6 миллион евро жарима тўлашга ҳам ҳукм қилинди.

Суд қарори АҚШ, Ҳолландия, Швеция ва Швейцария прокуратура тизимларининг бир неча йиллик кенг қўламли тергов-текширувларнинг бир қисмидир.

Текширувлар VimpelCom, Telia ва Mobile TeleSystems PJSC мобиль ширкатлари Ўзбекистонга сармоя киритиш ва бизнес юритиш учун пора бергани ҳақидаги даъволар ортидан бошланган эди.

Суд ҳужжатлари ва мазкур ишдан хабардор шахсларнинг Bloomberg агентлигига билдиришича, даъволар марказида Гулнора Каримовага алоқадор Takilant фаолияти туради ва ҳозирда АҚШ ҳукумати ҳам Гулнора Каримова номини алоҳида қайд этган ҳолда, Takilant ширкатининг 550 миллион доллардан ортиқ пулини мусодара қилиш ҳаракатини давом эттирмоқда.

20 июль кунги ҳукми билан Амстердам суди Takilant ширкатини

порахўрлик ва ҳужжатларни сохталаштиришда айбдор деб топди.

Айни пайтда, VimpelCom ва Telia томонидан пора сифатида берилган пулларнинг жиноий йўллар билан тўпланганига оид далиллар йўқлиги боис, маҳкама Takilantга қўйилган пул ювиш айбловлари суд жараёнида ўз тасдиғини топмади, деган хулосага келди.

Ўзбек президенти тўнғичига мамлакат телекоммуникация бозорига кириш учун катта миқдорда пора бергани судда исботини топган Швеция ва Ҳолландия телеком ширкатлари ҳозирча Амстердам маҳкамаси ҳукмини изоҳлашдан бош тортиди.

Гибралтарда қайддан ўтган Takilant ширкатининг эгаси сифатида номи зикр этилган Гулнора Каримованинг шахсий ёрдамчиси Гаяне Авакян Ўзбекистон маҳкамаси ҳукми билан қатор иқтисодий жиноятларда айбланиб, узоқ йиллик қамоққа ҳукм этилган.

Гулнора Каримованинг фуқаровий эри экани айтиладиган қўшиқчи, оффшор ҳудудлардаги қатор ширкатлар соҳиби Рустам Мадумаров ҳам 2014 йили Ўзбекистон ҳарбий суди томонидан одам ўғирлаганлик айблови билан узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Норасмий манбаларга кўра, Гулнора Каримованинг ўзи Ўзбекистонда уй қамоғида сақланмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими

АҚШ истихборотчиси: «Давлат тўнтарилиши — Туркиянинг қутулиши учун сўнгги чора»

«Хуррият» газетасининг муҳбири Толга Таниш, АҚШ ҳукуматининг узоқ вақт Туркиядаги давлат тўнтариши урунишини муваффақиятли бўлди деб ўйлаганини, шу сабабдан аниқ бир сўз билан воқеани изоҳлашдан қочганларини ёзди. Шунингдек Таниш Эрдуғоннинг Олмониядан бошпана талаб қилгани ҳақидаги хабарлар ҳам АҚШ матбуотида пайдо бўлганини таъкидлаган.

Америка Қўшма Штатлари Қўшинининг собиқ истихборотчиси (разведкачиси), ҳозирда нафақада бўлган подполковник Ралф Петерснинг «Вазият жуда аниқ. Бу давлат тўнтариши Туркиянинг исломий диктаторликдан қутулиши учун сўнгги имкониятидир. Хатога йўл қўймаслигимиз лозим. Бу тўнтаришда иштирок қилаётганлар яхши одамлар», деганини хотирлатган Таниш шундай давом қилди: «Шундай қилиб, ишнинг бошида, ҳатто Пентагондаги баъзи хизмат қилувчилар ҳам Америка ахборот воситаларига тўнтариш муваффақиятли бўлгани ҳақида асоссиз баёнотлар қилишган. Илк соталарда бири MSNBC билан мулоқот қилиб, Президент Тойип Эрдуғоннинг Олмониядан бошпана сўраганини айтган.»

Давлат тўнтарилиши муваффақиятсиз яқун топгач, оқшом Ташқи ишлар вазирлиги биносида бир Америкалик дипломатидан «Бу бошпана масаласини ким айтган» деб сўраганини айтган Таниш, диبلوماسية «Қатъиян, кимса бундай бир гап айтмаган, дея ҳимояланганини. Аммо мен ҳам MSNBC да ҳеч кимнинг бундай бир масалада ёлғон маълумот чиқармаслигини тушунтирдим», деган.

Таниш яна шундай давом этади: «Қолаверса, Америка ҳукуматининг вазиятга жавоби ҳам суст эди. Воқеадан хабар топганимдек жума оқшоми соат 23.22 да илк хабарни жўнатдим. «Тўнтариш уруниши» мавзуси билан. Ҳамда Оқ уй ёки Ташқи ишлар вазирлигига бир маълумот берилдими йўқми сўрадим. «Кузатаяпмиз» дедилар фақат. Нимани кутдилар билмадим, аммо дарҳол қарор қилмадилар. Бу вақтда Москвада бўлган Ташқи ишлар вазир Жон Керрининг изоҳи ҳам бу борада етарли эмасди. У ҳам «тинчлик, барқарорлик ва давомийлик» деди ва бошқа фикр билдирмади.»

ЎХХ хабарлар бўлими

Чамангул Негманованинг ўғли Яшнабод туман ИИБсидан топилди

2016 йилнинг 19 июль куни кутилмаганда 20 кундан ортиқ муддатичида дараксиз кетган ўғли Ғайрат Негмановнинг дараги чиқди.

Собиқ давлат маслаҳатчисининг молиявий ўғирликларини фош қилишга бел боғлаганлиги ортидан ИИБ ходимлари томонидан ёлғиз ўғлининг ўғирлаб кетилганлиги айтилаётган Чамангул Негманова ўғлини сўроқлаган она бир неча

маротаба Бектемир туман ИИБ эшигини қоққан. Бирок, ИИБ мутасаддилари Негмановани эшитиш ўрнига таҳқрилаб, ИИБ эшикларини беркитишган.

Бугун ниҳоят Ғайратнинг дараги чиқди.

19 июль куни соат 12.00 да Жиноят ишлари бўйича Тошкнет шаҳар Яшнабод туман судида соат 12.00 да ИИБ томонидан ўғирлаб кетилганлиги айтилган Ғайрат

Негмановнинг суд иши бўлиб ўтиши маълум бўлган.

Бу ҳақда Чамангул Негмановага телефон орқали хабар беришган.

Мамлакатимиздаги барча элчихона ва дипломатик корпус вакиллари, журналистлардан 2016 йилнинг 19 июль куни 12.00 да Жиноят ишлари бўйича Тошкнет шаҳар Яшнабод туман судида Негманов Ғайратга оид суд ишида кузатувчи сифатида иштирок этишларини сўраймиз.

Чамангул Негманованинг моб. телефони: +99894 6002861
Малоҳат Эшонқул

Ўзбек халқи тинчликсевар халқ.

Бу гап ҳар бир одамнинг калласига ўрнашиб қолдики ёки ўрнаштиришдики, халқ ўн йиллар ўтиб, тинчликни ҳамма нарсдан кўра кўпроқ севиб келмоқда. Тинчлик унинг учун жондан, қондан, ордан, ҳатто, иймондан кўра азиз нарсага айланди. Тинчлик сўзи чайналавериш, ҳамманинг оғзида айланавериш, ейилиб ҳам кетди.

Аслида, тинчлик нима дегани?

Муҳаммад Солиҳ 1992 йил Ўзбекистондан чиқиб кетиши арафасида Каримов у ва унинг издошларига чексиз қатагонларни кучайтирганида бир видеомурожаат билан чиқиб шундай деган эди: **“Ҳозир бизда тинчликни гапириш мода бўлган. Ҳамма тинчликни мактайти. Аммо мен тинчлик деганда қабристон тинчлигини тушунмайман”.**

Орадан 25 йил ўтпти, Ўзбекистонда тинчлик биринчи планда турибди. Сурия, Ироқдаги воқеалар бизда бўлмаётгани учун роиз бўлган одамлар тинчлик учун Каримовга мадҳ ўқиб ҳам қолишади.

Аслида, улар тинчлик деб атаган нарса жуда қаттиқ ғафлат уйқуси экани ҳақида билишмаяпти. Шундай уйқуки, бу уйқуда номусингизни булғалашлари мумкин ва бундан беҳабар қоласиз ҳам. Чунки тинчлик деган шароб сизни батамом маст қилиб ташлаган. У куллик шаробидир. Бирор мазлум ҳақини талаб қилса, бошига бир уриб ўлдиргач, шу тинчлик дея кўрсатилган қотилликдир у аслида.

Биз ҳеч қачон урушни ёқмаймиз. Чунки уруш одамлар ҳаётининг заволи, юртларни



Тинчликнинг моҳияти

вайрон қилувчи фожа, аммо у шу вақтнинг ўзида ору номус ҳимояси, иймон ва шарафнинг қалқони, эрк ва озодликнинг кўпригидир. Уруш, ҳар доим ҳам, сиз ўйлагандек ёмон нарса эмас. Тинчлик эса, сиз ишонганингиздек, ҳаммиша ҳам яхши нарса эмас. Шундай ҳолатлар бўладики, тинчликни истаган одамнинг ўлгани яхшироқдир. Ва шундай ҳолатлар бўладики, уруш қилиб жангда жон бериш хотиннинг иссиқ кучоғида ухлашдан кўра ёқимлироқ ва минбарларда тинчликка мадҳ ўқишдан кўра шарафлироқдир.

Тинчликни байроқ қилиб кўтариш ва ундан халқнинг овозини ўчириш, халқни кўрқитиш йўлида фойдаланиш фақат кўрқокларнинг, хусусан, Ислон Каримов деган нуханинг методи ҳисобланади.

Биз одамлар қони тўкилишини мутлақо истамаймиз, аммо тинчлик ҳамма замонларда, ҳамма маконларда олий қадрият бўла


олмаслигини эслатишни истаймиз.

Масалан, Туркияда хоинлар давлат тўнтаришига чиққанларида халқ тинчликпарварлик қилиб уйдан кўзгалмаганида бугун эрки ва адолатини қўлдан бериши аниқ эди.

Ким ўлимни тўсиб қолишга қодир? Ким касалликларни келмайдиган қилиб қайтариб юбора олади? Қашшоқликнинг эшикларини қайси банд мангуга ёпиб қўя олади? Ҳеч ким! Биз урушдан нега кўрқамиз? Жонимиз, молимиз ва оиламизни урушда йўқотиб қўйишдан кўрқамиз. Аммо уруш бўлмаса ҳам бу нарсалар тақдирда бўлса, йўқолади.

Тинчлик бўлсин, аммо ҳеч ким бу тинчлик эвазига эркини йўқотмасин. Ҳеч ким бу тинчлик учун ор ва номуси билан бадал тўламасин. Ҳеч ким бу тинчликни ҳақ ва ҳуқуқнинг тўсиғи деб билмасин!

Абдуллох Нусрат



ШИКОЯТ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.А.Каримовга
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Бош Вазири
Ш.Мирзиёевга
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Бош прокурорига
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш Вазирлигига
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Касаба уюшмаси
Федерацияси раиси Танзиля
Норбоевага
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси хотин — қизлар
қўмитаси раисига
Нухаси: Ўзбекистон

Республикаси Миллий
Хавфсизлик Хизматиغا
Нухаси: Инсон ҳуқуқлари
буйича Омбдсман вакили
С.Рашидовага
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлис
Сенати раисига
Навоий вилояти Кармана
тумани Фарход мфй
Ширин қўрғони б/1 хонадонда
яшовчи
Фармонова Муножат
томонидан
+99 890 646 22 29 +99 893 316
84 32

ШИКОЯТ

Мухтарам Президент!

Мен Фармонова Муножат Рўзимуродовна 1990 йилда туғилганман. Ёлғиз онаман. Ўғлим Ҳамроев Асадбекнинг ёлғиз боқувчисиман. Карманатумангаз филиали туманида 2011 йилдан 2015 йилгача ишладим. Аммо бошлиқ Раҳматов Комилнинг шахсий адовати учун ишдан жабрланиб кетказилдим. Бундан ўғлим ҳам азият чекди. Чунки уни едириб, ичиришим, ишсиз, пулсиз аҳволда қийин эди. Мен ноқонуний иш қилмаганман. Бу ташкилотдан манфаатим учун фойдаланмаганман. Аслида ташкилотдан ўз манфаати учун фойдаланиб, давлат мулкани талон-тарож қилган раҳбарлар яллама ёрим қилиб ўғирлик қилиб юриб отасидан мерос қолгандек мени кастдан ишдан кетказишди. Қуйидаги маълумотларни сизга фуқаролик бурчим сифатида билдирар эканман авваламбор буни ишсизликда қийналиб юрганамни инобатга олиб ишимга қайтарилишимга амалий ёрдам қиласизлар деган умиддаман. Буни илтимос қилган ҳолда сизга Карманатумангаз филиали мансабдор шахсларининг қуйидаги жиноятларини батафсил ёритиб бермоқчиман. Шунга кўра Миллий хавфсизлик томонидан текширув ишлари олиб борилиб, (прокуратура ёки бошқа органларга ўтказилмасдан, сабаби 2015 йил июль, август ойларида прокуратурага ариза ва маълумот берганимда бу иш ҳолисона кўрилмай, тўлигинча ўрганилмай қолиб, шунча факт берсак ҳам фақатгина бир кишини айбдор қилиш билан яқун топганди) бу шахсларни қонуний чорасини кўрилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Карманатумангаз филиали мансабдор шахсларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-205-209-моддасига кўра ҳужжатларни сохталаштириб, кўп миқдорда давлат мулкани талон тарож қилганлиги ҳолатлари юзасидан шикоят бермоқчиман.

Карманатумангаз филиалида 2015 йил январдан 2016 йил арпель ойларида автоҳўжалик назоратчиси томонидан топширилаётган ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмлар тўғрисидаги ҳисоботлар умуман қониқарсиз ҳолда топширилмоқда. Автомашиналарга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бериладиган йўл варақаларини рўйхатга олиш китоби ва автомашиналарга олинган эҳтиёт қисмлар карточкиси юритилмаган. Бу китобларнинг юритилмаслиги натижасида автомашиналарга ортикча ЕММ ва эҳтиёт қисмлар сарфланмоқда. Автохўжалик назоратчиси томонидан ёқилиғини куйиш шахобчасида тўлдирилган ведомостьларнинг асл нусхалари топширилмасдан унинг ўрнига калбакилаштирилган, ведомостьлар бошқатдан тўлдирилиб, ҳайдовчиларнинг имзоларини автохўжалик назоратчисининг ўзи имзо кўйиб, ҳоҳлаган санани кўйиб, ҳоҳлаган ҳайдовчининг имзосини кўйиб, ҳоҳлаган газни литрда ёки м3 ни куйиб, ведомостьни калбакилаштириб топширмоқда.

Мисол учун калбаки имзолар билан ҳайдовчи Сафаров Раҳматнинг автомашинасига 2015 йил январдан 2016 йил март ойларига 7081 литр газ пропан ёки 12 653 240 сумлик газ ортикча олиниб ҳисобдан чиқарилган. Ҳайдовчи Раимов Баҳтиёр 2015 йилнинг 2015 йилнинг 15 октябрдан 25 октябргача Жиззах вилоятида пахта терим мавсумида иштирок этаётган бир вақтда ҳам унинг бузилган автомашинасига газ заправка қилиниб, чиқимга чиқарилган. Айрим автомашиналарга 1 кунда 2 марта газ заправка қилинган, ваҳоланки бир заправка билан автомашиналар 4-5 кун юради. Айрим вақтларда ведомостьни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш вақтида ҳайдовчи билан автомашиналар бир бирига тўғри келмайди ёки автомашина бошқа бўлади, ёки ҳайдовчи бошқа бўлади.

Қисқаси, ўз ҳамёнини тўлдириш мақсадида Карманатумангаз ҳисобидан Қўштирноқ ичидаги очилган шахсий ЁҚШ си ҳисобидан 2015 йил январдан 2016 йил апрель ойига қадар Карманатумангаз филиалида суюлтирилган газдан 20773 литр, 36 739 324 сумлик ва табиий газ (метан газ) дан 10676,5 м3 14 275 225 сумлик, жами: 51 014 549 сумлик маблағ ўзлаштирилган.

Бундан ташқари автомашиналарга олинган эҳтиёт қисмлар карточкиси юритилмаслиги натижасида 2015 йил 1 январдан 2016 йил апрель ойигача олинган эҳтиёт қисмлардан 20 млн дан ортикча маблағ ўзлаштирилган. Автомашиналарга

1 та бино учун

1. Блок шшт	дона	190	2000	380 000
2. Цемент	кг	300	400	120 000
3. Қум	тн	1	100000	100 000
4. Эшик	дона	1	100000	100 000
5. Бошқа материаллар	сўм	800000	1	800 000
6. ПИИ тақв	сўм	600000	1	600 000
7. ПИИ тақвга ажратма	сўм	150000	1	150 000
Жами:				2 250 000
8. Транспортный расход 12%	сўм			270 000
Жами:				2 520 000
9. Накладной расход 20 %	сўм			504 000
Жами:				3 024 000
Бинонинг бўйи	2,5 м			
Бинонинг эни	1,5 м			
Бинонинг узунлиги	2 м			

бир хил эҳтиёт қисмлар ишлаш муддати тугамасдан яна қайтадан олиниб чиқимга чиқарилмоқда. Ҳайруллаев Исмат ва Қодиров Жамшидларнинг бошқарувидаги автомашиналар Газ-52 маркасида бўлсада, автомашиналарга Газ-53 маркадаги автомашинанинг эҳтиёт қисмлари олиниб, Газ-52 автомашиналарига ўрнатилди деб ёлғондан чиқимга чиқарилмоқда.

Сувон Асрор Қурувчи МЧЖ га 14.05.2015 йилда 30 512 478 сўм миқдоридан пул кўчган, асос: Тўлов топшириқномаси, Бу фоизга нақд килувчи фирма ҳам деб аталар экан, 14.08.2015 йилда ҳамда 26.06.2015 йилда Кармана Кафолат Қурувчи ХК га 30 000 000 сўм пул кўчган асос: Тўлов топшириқномаси.

Хуллас мана шу ўғирликлар орқасидан Автохўжалик назоратчиси Ядгаров Ихтиёр қиммат автомашиналар алмаштириб, унинг жиноий шериклари бухгалтер Каримов Рустам Ядгаров Ихтиёр билан биргаликда кир ювиш кукуни ишлаб чиқариш фирмасини очди, бошлиқ Раҳматов Комил эса ўтган йили Малик рабод худудидаги сотилган газ қувурини ўзлаштириб олган спарк русумли автомашинасини сотиб, қобл русумли қиммат автомашина сотиб олган. Аслида ташкилотга матиз русумли автомашина билан келган эди Ядгаров И ва Раҳматов К лар. Каримов Р эса фирма очишдан ташқари акасининг номига матиз русумли автомашина олиб кўйган эди. 2015 йил май ойида Каримов Рустам ва Бошлиқ Раҳматов Комил биргаликда Сувон Асрор Қурувчи МЧЖ га 30 512 478 сум ташкилот ҳисобидан пул кўчирди. 2015-2016 йилларда Раҳматов Комил билан Каримов Рустамга ДСИ томонидан уларни иш ҳақиға жарима қилинган бўлиб, бу кўзи тўймаган шахслар

бу жаримани ташкилот ҳисобидан кўчиришган. ДСИ кимга штраф қилипти ўзи? Бунга Бош ҳисобчи Каримов Рустам ҳам ҳамтовоқ бўлиб фойдаланмоқда. Шофёрларга бириктирилган машиналарни ўрни алмаштириб ёзилиб, имзолар ҳам со хта. Шофёрлар Раимов Баҳтиёр, Қодиров Жамшид, Сафаров Раҳмат, Ҳайруллаев Исматлар имзо сохта экани ва уларга тегишли эмаслигини айтишган.

2016 йил май ойида Ядгаров Ихтиёр техник ҳисобчиси Аҳмедов Чори акага материалный отчётни топшириш учун борганида Чори ака ҳужжат сохта эканини кўрсатиб қабул қилмаслигини айтган. Шунда Ядгаров Ихтиёр Чори акани урмоқчи бўлган эди. Бу билан мансабдор шахсларлар тил бириктириб Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-209 моддаларига кўра жиноят содир этишган. Шофёрларни чақириб имзолари сохта эканини билиш қийин эмас. Бунини техник ҳисобчи Аҳмедов Чори акани чақириб сўралса бу криминал ишни очилиши учун кўрсатма беришига ишонаман. 2015 йил апрель ойида йирик худудларга ўрнатилган 14 та электрон газ ҳисоблагичлар учун етти миллиондан маблағ ажратилди деб яна ёлғон ҳужжат тўлдирилиб, кетган ҳаражатларни ёлғондан ошириб ёзилган. Аслида энг юқори нархда ҳисобланганда ҳам битта бино учун 3 024 000 сўмлик ҳаражат кетмаган. Кетган ҳаражатлар рўйхати: Бу ерда ҳаражатлар энг юқори нархда ҳисоблансада барибир етти миллионга бормайди.

Аммо ҳар бир бино учун етти миллиондан маълумот қилишиб 14 дона бино учун ҳар бирдан сал кам тўрт миллиондан пул

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

маблағи ўзлаштириб юборилган. Бунда 55 664 000 дан ортик пул ўзлаштирилган. Ташкилотдаги автомашиналарга заҳасига кўчириш баҳона яна бу нафси ҳақалак отган мансабдор шахслар 5 миллиондан фирмалар билан тил бириктирган баҳона пул кўчириб 1 миллион атрофида автомашинага кўчиришса қолганини чўнтақларига жойлашади. Солиқдан келган текширувчилар томонидан Карманатумангаз филиали бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Раҳматов Комил Зиятович, бош ҳисобчи Каримов Рустам Мамадолиевичга штраф қилинадию аммо бу штрафлар ҳам уларнинг иш ҳақиға қаратилиши керак бўлсада ноқонуний равишда яна филиал ҳисобидан кўчириб юборилади. Хуллас филиал улар учун отасидан мерос. Буни ҳолис тушунадиган текширувчи буларни аввалдан огоҳлантириб қўймасдан келиб ўргансагина бу жиноятлари очилади. Ҳар ойда уй-жиҳоз газ асбобларига хизмат кўрсатиш чилангарлари томонидан 15-20 миллион атрофида нақд пул келиб тушади. Аммо нақд пуллар кассага топширилмай бош ҳисобчи Каримов Рустамнинг буйруғи билан филиал кассири Нуримов Улуғбекнинг сефида сақланади ва нақд пулларни ушбу мансабдор шахслар навбат билан ўзаро келишган ҳолда бўлиб олишади. Кейин иш ҳақидан қайтариб расхондой ордер ёзишади. Қолган ишчилар фақат 100% пластикка иш ҳақиларини олишади, бу ноинсофлар эса ана шундай доим нақд пул олишади. Аслида нақд пул ўша заҳоти банкка топширилиши шарт, аммо бизда текширувчилар ҳам кўзи кўр қулоғи қар бўлиб келиб бухгалтерияни камчиликларини гўёки кўришмайди. Ишчиларнинг иш ҳақиларидан ҳар ойда 30% дан пул кесилади ва бундан ташқари аҳолидан пеня учун талашиб тортишиб пул олишади. Ҳар ойда ўргача пеня учун 20 миллионлар атрофида тушум бўлади. Текширувчилар келади, ёки тушунчаси йук ўз соҳасини тушунмайди ёки аввал бошдан бошлиқ ва бош ҳисобчи билан ҳаммасини айтиб эшиттириб, кейин “келишиб” кейин албатта камчиликлардан ва ноқонуний ишлардан кўз юмиб икки томон ҳам манфаатдор ва розима рози бўлиб тугатишади. Ташкилотдан

чиқаётган пул, кирим чиқимларни ўрганиш учун фақат ҳолис тушунчаси бор текширувчи келиб ўрганиши керак. 2015 йил Маликрабод ҳудудаги 273 дм лик газ қувурини бошлиқ ва Маликрабод участка бошлиғи Ҳамидов Муҳаммадали ўзлаштириб сотиб юборган эди, аммо бошлиқни бунга алоқаси бўлмаслиги мумкин эмасди. Шундай бўлсада тергов чуқур ўрганилмай фақат бир кишини жавобгар қилиш билан якун топди. Аммо 620 метрлик 273 дм лик газ қувурини бир неча кун атрофида вилоят газ бошқармасидан эксковатор чақиртириб казиб олишадую ҳеч ким ҳабар топмайди? Буни Айрончи маҳалласида яшовчи Рўзиев Озод исмли шахс сотиб олиб, кейин терговга Карманатумангаз филиали раҳбарларини илтимоси билан 2 метр эски газ қувурини нархни арзон ҳисоблатиш мақсадида Ҳамидов Муҳаммадалига берган. 2015 йил Маликрабод ҳудудаги 273 дм лик ўзлаштирилган газ қувурининг тўлаб берилган 12 500 000 миқдоридеги пули яқинда ташкилот ҳисобига ташлаб берилиши керак. Аммо бу пул билан яна нафси кўзини кўр қилган бошлиқ жуда қизиқяпти. Энди бу пулни ўзлаштириш учун яна ноқонуний ишлар қилиб Карманатумангаз филиалига ҳамда давлатга яна зарар етказиш пайида. 2016 йилда ҳам бошлиқ шу ҳудуд эски ҳаммомни ёнидан 100 дм лик газ қувурини ўзлаштириб сотиб юборган. Аммо ишчи-ҳодимлардан металлوم учун 150 000 минг сўмдан иш ҳақидан мажбурий сақлаб қолишади. Шу газ қувурларини сотган ноинсофлар металлومни шу пулдан тўлашса бўлар эдику! Шу ушлаб қолинган пул қандай тарзда металлوم учун кўчирилгани номаълум. Нарпай ҳудудда жойлашган Баҳор Интер Осие оҳак заводи ва Изгипал Навоий ғишт заводи қиш фаслида ноқонуний фаолият юритишига бошлиқ Раҳматов Комил келишган ҳолда йул қўйиб берди. Табиий газ аҳолига етмай турган бир пайтда 2 ой атрофида бу икки қатта завод 1 кунда 10 минг кубдан ҳар бири газ олиши керак эди. Аммо ёлғондан ўчирилди деб газ ҳисоблагични олиб қўйиб фойдаланишди. Буни бу икки заводга яқин атрофдаги ташкилот ёки аҳоли фуқароларидан сўраб билиб олиш мумкин. Бу билан қанча газ йўқотиляпти. Норел қарздорликни ёпиш учун эса

аҳолини, яна бечора оддий халқни елкасига келиб тушяпти. Аҳолига штраф қилинавериб халқни норозигарчиликларини кучайтириб юборишган. 20 май 2016 йил куни Баҳор Интер Осие оҳак ишлаб чиқариш заводи эгаларидан бири (эшитишимча Соҳиб деган шахс) Нарпай участка бригадири Раҳмонов Шавкат бу заводнинг ноқонуний фаолиятини тўхтатиш учун асосли далиллар билан ушлаб далолатнома туздандан кейин Баҳор Интер Осие оҳак ишлаб чиқариш заводи эгаларидан бири (эшитишимча Соҳиб деган шахс) Раҳмонов Шавкатни бир йил олдин овозини ўз манфаати ва шантаж қилиш ниятида овозини диктафонга ёзиб олган ва мендан пора олганди ўшанда дея вилоят газ бошқармасига бориб диктафонни эшиттириб дўқ урган. Баҳор Интер Осие заводининг ноқонуний фаолиятдан манфаатдор бўлган вилоят газ бошқармаси бошлиғи Шерали Қурбонов дарҳол Раҳмонов Шавкатни чақириб вақтинча отпускага ўтириб туришини талаб қилади. Сабаби агар бу иш ошкор бўлса вилоят газ бошқармаси бошлиғи Шерали Қурбонов ва Карманатумангаз бошлиғи Комил Раҳматовлар ҳам Баҳор Интер Осие оҳак ишлаб чиқариш заводидан мунтазам пора олиб туришгани маълум бўлиб қолар эди. Ҳозирда бу завод эгаси нафсидан осилган раҳбарларни дўғлаб яна ноқонуний фаолиятни давом эттириб табиий газни куп миқдорда йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай талон-тарожликлар оқибатида Карманатумангаз филиалида ката пул айлансада, ташкилот ҳисобида пулқолмай ташкилот ночор аҳволда. Бу пуллар ойма-ой кирим пуллар прочи ва пеня пуллари ҳамда иш ҳақидан ойма-ой кесилган пулларни ҳисобланиб қаттиқ текширув ўтказиб, мансабидан фойдаланиб, давлат мулкни кўп миқдорда талон-тарож қилаётган шахслар ва раҳбар ҳодимларга нисбатан қонуний чора қўрилиши керак. Шу мақсадда Республика МХХ маҳсус инспекциясига ҳамда, вилоят МХХ маҳсус инспекциясига шикоят қилдим. Шикоятим прокуратурага, прокутура департаментга ўтказди. Кейин мени департаментдан чақиритиб маълумотларни тўлиқ тақдим қилишим кераклиги шундан сўнг улар жиноий иш кўзғашлари ва қолган маълумотларни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

текширув давомида яна кўриб чиқишларини айтишди. Мен бошлик ва бухгалтерни ишҳақиға қилинган 8 млн 500 минг сўмдан ортиқ пул уларни иш ҳақидан эмас балки ташкилотнинг прочи пулидан кўчганини исботловчи далиллар тақдим этдим. Ҳамда автомашиналарга қўйиладиган газдан 51 млн дан ортиқ маблағ ўзлаштирилганлиги ҳақида ҳам асосли далиллар тақдим этдим. Афсуски мен ишонган бу мутасадди органлар нафси ҳақалак отган мансабдорларга ён босиб мени аризамни бориб кўрсатишган ва маълумотлар билан ҳам таништириб сўнгра эса орқангни ёпиб ол қабилида иш қилиб мана бир ой бўляпти ҳамки текширишга келишмай эндиликда солиққа ўтказдик деб баҳона қилишяпти. Мен департаментдан буни талаб қилсам улар Кармангаз бошлиғига бу ҳақда ахборот бериб қачон текширишни бошлайсиз деб мени безор қилди дея ахборот беришган. Бу ҳақда бир мажлисда бошлик Раҳматов К айтиб юборган, мен буни менга айтган кишини кимлигини билдириолмайман. Сабаби уям тазйикқа учраши ёки собиқ ИИБ ҳодими Раҳматов К томонидан ҳаёти хавф остига қолишиям мумкин. Наҳотки МХХ бу текширувни назорат қилмаяпти? Кимга ишониб топширайлик ўзимизни?

Нима учун бу мансабдор шахслар давлат мулкани талон-тарож қилиб, ўз мансабларидан ғараз мақсадда фойдаланиб яна шу ташкилотда ишлаб юрсаю менга ўхшаган ёлғиз ожиза аёллар боласини биргина иш ҳаққи билан боқишигаям йўл қўймай ишдан кетказиб юборишаверишса. Нима учун Ҳамидов Муҳаммадалини устидан бир неча марта ариза ва шикоят тушиб иш ҳақидан кесилсада ҳамда бошлик Раҳматовни яқин танишини невараси Абдурасулов Нодирнинг устидан бўлим бошлиғи 5 марта билдирги ёзиб чорасини кўрилишини сўрашсада уларни меҳнат қонунчилигига зид равишда иш ҳақидан неча марта кесишсаям меҳнат шартномасини бекор қилишмайди. (билдиргиларни илова қиламан). Ахир мен истеъмоқ кредитимни шу иш ҳақимга ишониб олгандим. Эндиликда ишсиз қийналиб, кредитимни тўлашга ва боламни боқишга қийналиб қолганман. Айниқса болам шу йил

мактабга чиқиши керак. Унга уст бош олишгаям имконим йўқ.

Мухтарам Президент!

Карманатумангаз филиалидаги ушбу ноқонуний ишлар билан ҳужжатларни сохталаштириб, давлат мулкани талон тарож қилиб, жиноят содир этаётган мансабдор шахсларнинг ишлари Республикадан текширувчи чакиртирилиб, текширувчининг ҳам ишини назорат остига олган ҳолда Миллий хавфсизлик томонидан текширув ишлари олиб борилиб, прокуратура ёки бошқа органларга ўтказилмасдан қонуний чорасини куришингизни сурайман. Чунки келган текширувчилар кўпчилиги холисона текширув ўтказмасдан ўз манфаати учун келишган ҳолда кўр кўрона текширув ўтказишади кўпчилиги. Бу мансабдор шахсларнинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-205-209-моддаси аломатлари мавжуд. Шунингдек она ва бола йилида ўғлимни ёлғиз боқувчиси сифатида мени Карманатумангаз филиалига ишимга қайтишимга амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман. Чунки мен бу раҳбарлардек ноқонуний иш қилмаганман ва давлат мулкига зарар етказмаганман булар каби. Хозирда мажбурликдан Россия давлатига ишлаш учун кетишга мажбур бўлиб қоляпман, сабаби ўғлим мактабга бориши учун менда етарли маблағ йўқ. Агар Россияда одам савдоси қурбонига айланиб қолсам бунинг учун ким жавобгар бўлади. Албатта мени ишсиз қолдириб, иш билан таъминлашга ёрдам бермаган биздаги мавжуд тузум. Аммо мен Мухтарам президентимиз 2016 йил она ва бола йили деб эълон қилишлари, бу давлат сиёсатимиз мен ва менга ўхшаган ёлғиз ҳимоясиз аёлларни ҳимоя қилиш учун чиқарилган қарорлари деб уйлайман ва ишонаман.

Асосли далиллар илова қилинади

1. Иш ҳақиға солинган жарима учун ташкилотдан кўчирилганлиги ҳужжати;

2. Сувоқ Асрор Қурувчига кўчиб қирим бўлмай бир йилдан бери ётган рўйхат;

3. Автомашиналарга қўйиладиган газни ўзлаштириб сохталаштирилган ҳужжатлар нусхалари;

Жами: 11 дона далиллар нусхаси
15.07.2016

Фармонова Муножат



Стратегик ўртоққа ҳиёнат

*АҚШ тарафидан алданган
Турк Генерали ҳақиқатни айтди*

Туркиядаги давлат тўнтариши ташкилотчилари мамлакатни инқирозга учратиб, унинг Осий қисмида тартибсизликларни келтириб чиқаришни мақсад қилишган. Бу ҳақда ҳукуматга ўз хоҳиши билан таслим бўлган, Туркиянинг жанубида жойлашган Хатай вилоятидаги ҳарбий кучлар қўмондони тергов жараёнида баён қилган.

Хабарларга кўра, юқори мартабали ҳарбий қўмондон, НАТО кучлари томонидан қўлланилиб келаётган Инжирлик ҳарбий ҳаво базасида давлат тўнтаришини ташкиллаштирган АҚШлик ҳамкасблари тарафидан алдангандан сўнг, Киллис шаҳридаги махсус хизматлар бўлинмасига келган.

Генерал, АҚШ вакиллари ҳарбий базада тайёргарлик кўрган барча Турк Генералларига, тўнтариш амалга ошмай қолса уларни оиласи билан биргаликда АҚШга олиб чиқиб кетишга сўз беришганини айтган. Аммо ўз сўзларида туришмаган.

Давлат тўнтариши муваффақиятсизликка учрагач, келишилгандек ҳарбий фуқаролик кийимида Инжирлик ҳарбий ҳаво базасига келган. Лекин сўзларига қарамай, уни ичкарига киритишмаган.

Шунда Турк Генерали, ушбу ҳатти-ҳаракати ҳукм чиқариш чоғида енгиллаштиришга бир омил бўлиши умидида Турк махсус хизматларига ўз хоҳиши билан таслим бўлган. Сўнгра уни ишнинг муҳим иштирокчиларидан бири сифатида дарров Киллис шаҳридан Истанбулга олиб боришган.

Генералнинг сўзларига кўра, давлат тўнтаришининг бўлажак

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

иштирокчилари 12 ҳафта давомида, Инжирлик базасида, тўнтаришни бошқариш учун Вашингтондан махсус келган Америкалик ҳарбийлар қўл остида кўрсатмалар олишган.

Режага кўра, Президент Ражаб Тойиб Эрдўғон ағдарилгач 24 соат ичида Туркияга 10 минг нафар ИШИД аъзолари, эртаси куни эса – 5 минг нафар Ироқлик шия гуруҳлари жангарилари ва Сурия

махсус хизматларининг минглаб жосуслари кириши керак бўлган.

Генералнинг таъкидлашича, Инжирликдаги йиғилишларда қатаншган Эрон вакили Истанбул ва Анқарага гуруҳлаб киришлари учун 50 минг алавийларни куруллантириб, молиялаштиришга сўз берган.

Шунга қарамай чет элликларга Туркиянинг Оврўпо қисмига ўтиш қатъиян ман қилинган, чунки режага кўра бу минтақа турк исёнчилари назоратида қолиши

керак бўлган. Бундан ташқари, АҚШ вакиллари қурд гуруҳларини ҳам куруллантиришни таклиф қилишган. Аммо бу таклифга Эрон вакиллари, лойиҳада қатнашишни рад қилиш билан таҳдид қилиб, қатъиян қарши туришган.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ давлат тўнтаришига алоқадорликда гумон қилинаётган Инжирлик базаси қўмондони Генерал Бакир Аркон Ванга сиёсий бошпана беришни рад қилган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Ўзбек футболчиси ёши 5 йилга ёшартириб кўрсатилганини тан олган

Ўзбекистонлик футболчи Илёс Зайтуллаев италия газеталаридан бирига берган интервьюсида, ўзининг аслида паспортда кўрсатилганидек 1984 йилнинг 13 август куни эмас, балки 1979 йилнинг 13 августидан туғилганини тан олган. Бу ҳақда ҳақдаги маълумот Тошкентдаги Италия консулининг “Бунёдкор” футбол клуби билан июн ойининг охирида ўтказилган учрашуви вақтида аён бўлган.

Италиялик дипломатнинг сўзларига кўра, 2001 йилдан буён турли Италия клубларида тўп суриб келаётган Зайтуллаев, Италияда истиқомат қилган вақтида христиан динини қабул қилган. “Футболчи Италиялик журналистларига, христиан динида унга, қилинган хато ва гуноҳларнинг рухоний ва бошқа дин хизматчиларига айтиб, чин дилдан тан олинса, худо тарафидан барча гуноҳлари кечирилиши ёқган. Журналистнинг мантиқий ”Бизнинг газетамизга

ўзингизнинг қандайдир гуноҳингиз ҳақида сўзлай оласизми?” деган саволига эса Илёс, ўзининг паспортда кўрсатилганидек 1984 йилнинг 13 августидан эмас, балки 1979 йилнинг 13 августидан туғилганини айтган”,- деган Италия консули “Бунёдкор” футбол клуби билан суҳбатда.

“Сизнинг ҳамюртингизнинг эътирофи Италия футбол жамаиати учун ўзига хос сенсация бўлди. Ушбу интервью эълон қилингандан сўнг Италия футбол федерацияси Илёс Зайтуллаевнинг Италия чемпионатларидаги барча ютук ва муваффақиятларини бекор қилди. Қолаверса, унга барча даражадаги Италия футбол клублари сафида ўйнаш ман қилинди. Шунингдек Зайтуллаевга Италияга ҳаттоки турист сифатида кириш ҳам ман қилинган”, — дея таъкидлаган Италиялик дипломат. Унинг сўзларига кўра ҳозирда футболчи Ўзбекистонда.

Алексей Ибрагимов



Эрдўғон ўлим жазосини тасдиқлаш борасида баёнот берган

Туркия президенти, “Халқимизнинг истаги эътиборсиз қолдирилмайди” дея, Мажлис томонидан қабул қилинса ўлим жазосини тасдиқлашини айтган.

“CNN International”га интервью берган Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдўғон давлат тўнтаришига уруниш ва кейинги вазият билан боғлиқ хулосалар борасида шундай деди:

“Бу воқеаларга боқганимиз замон 208 кишининг ҳаётдан кўз юмганини кўрасиз. АҚШда, Россияда, Хитойда ўлим жазоси бор. Халқнинг талаби бу террористларни ўлдириш. Оғир ўлим жазосига лойиқ бўлганларни нега қамоқхонада боқишимиз керак? Халқ ўлдирилган инсонларни ўйлапти. Бу ерда яққол бир ватанга хиёнат жинояти бор. Бу масаланинг конституциявий қарорга айлантирилиши парламентда кўриб чиқилади. Мен парламентдан чиқадиган бундай қарорни тасдиқлайман.”

ЎХХ хабарлар бўлими

АРИЗА: ХАЛҚНИ ҲАҚОРАТЛАЙДИГАН ҚОНУНЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАКМАС... МИ?

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» дея қафолатлаб қўйса-ю, «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» эканлиги талаб қилинса-ю (19-модда), «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида» бўлса-ю (53-модда), «Мулкдор мулкига, ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади» (53-модда) дея қафолаглаб қўйилган бўлса-ю, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун ва мазкур қонун ости ҳужжатлари Конституция талабларини оёқ ости қилиб турса, вилоят аҳолисига пойтахтдан хусусий мулк сотиб олишини таъқиқласа, эр-хотинни бир йилдан то уч йилга қадар қийнаса, Тошкентдаги қария ўз уйини вилоятдаги қариндошига нотариал идора орқали совға қилолмаса, фуқаро хусусий мулкни ўзи билганича, истаганича бошқара олмаса, ўз уйига истаган кишини прописка қилолмаса... қонунсизликларни санасанг, адоғига етмайсан одам....

Шуни ҳам таъқидлаш керакки, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун Бирлашган миллатлар ташкилотининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт талабларининг ҳам кўпол тарзда бузилишига олиб келмоқда.

«Международный пакт о гражданских и политических правах» халқаро ҳужжатнинг 12-моддасида, жумладан шундай дейилган:

«Каждому, кто законно находится на территории какого-

либо государства, принадлежит, в пределах этой территории, право на свободное передвижение и свободу выбора местожительства. Каждый человек имеет право покидать любую страну, включая свою собственную.

Упомянутые выше права не могут быть объектом никаких ограничений, кроме тех, которые предусмотрены законом, необходимы для охраны государственной безопасности, общественного порядка, здоровья или нравственности населения или прав и свобод других и совместимы с признаваемыми в настоящем Пакте другими правами.

Никто не может быть произвольно лишен права на въезд в свою собственную страну.»

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга аъзо давлатлар сарасига қиради. Мазкур пактга аъзо бўлган давлатлар эса Пакт талабларини ҳурмат этиши ва риоя қилиши лозим.

Бу борада Мазкур Пактнинг 2-қисми, 2-моддасида:

«Каждое участвующее в настоящем Пакте Государство обязуется уважать и обеспечивать всем находящимся в пределах его территории и под его юрисдикцией лицам права, признаваемые в настоящем Пакте, без какого бы то ни было различия, как-то в отношении расы, цвета кожи, пола, языка, религии, политических и иных убеждений, национального или социального происхождения, имущественного положения, рождения или иного обстоятельства.

Если это уже не предусмотрено существующими законодательными или другими мерами, каждое участвующее в настоящем Пакте Государство обязуется принять необходимые меры в соответствии со своими конституционными процедурами и положениями настоящего Пакта для принятия таких законодательных или других мер, которые могут оказаться необходимыми для осуществления прав, признаваемых в настоящем Пакте» дейилган.

Шу маънода, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий

прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормаларига ҳам мувофиқ келмаслиги маълум бўлмоқда.

Ваҳоланки, Конституция муқаддимасида «Ўзбекистон халқи... халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда... ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади» дея жарангдор иборалар қайд этилган. Бас шундай экан, Ўзбек халқининг ишонган «мухтор вакиллари» халқининг ҳуқуқларини топтамаслиги, ҳақ-ҳуқуқларини чекламаслиги лозим. Бас шундай экан, Ўзбекистон қонунлари Халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳамнафас бўлмоғи зарур.

Ахир, мамлакат Конституцияси «Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон давлатининг ҳимоясидадир» деб уқтиради. Аммо амалда Ўзбекистон фуқароларини ҳимоя қилишга эмас, хўрлашга қаратилган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши Конституцияни таҳқирлаш деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Конституциянинг 78-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига тааллуқлидир. Қонун ости ҳужжатлар эса ушбу қонуности ҳужжатларни қабул қилган Давлат органи ва Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Олий Мажлис депутатлари халқ иродасига кўра сайланган. Шундай экан, Олий Мажлис мамлакат фуқароларининг орзу истаклари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кўзловчи қонунлар қабул қилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мамлакат фуқароларининг эрки, ҳаракатланиш ҳуқуқига чеклов қўйишга, хусусий мулкига даҳл қилишга, Конституцияга тамомила зид равишда Қонун қабул қилишга Олий Мажлис Сенатининг қандай ҳаққи бор?

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Конституцияга зид бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳозирги кунда Ўзбекистонда порахўрлик, таъмағирлик, кооррупцияни болалатиш учун доя сифатида хизмат қилмоқда, холос. Асилда, бу қонунни айнан ана шу мақсад учун ўйлаб топишган бўлишса ҳам ажаб эмас.

Мазкур қонун мамлакатимиз аҳолисини тарқоқлаштириш,

табақалаштириш, аҳоли ўртасига нифоқ солишдек ғаразли мақсадларга хизмат қилмоқда деган тўхтамдамиз.

Хурматли Конституцион суд ҳайъати! Хамда Олий мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари!

Конституциянинг 43-моддасида “Давлат фуқароларининг Конституция ва қонуларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” дея кафолат берилган.

Мамлакатимиз фуқароларининг эрки, эркин ҳаракатланишига раҳна солувчи, ўз ватанининг истаган манзилида яшаш, кўчиш, хусусий мулкни бошқариш каби қатор ҳақ-ҳуқуқларини поймаётган этувчи, халқимизни тоифаларга, табақаларга, синфларга ажратувчи, аҳолининг асосий қатламларини камситувчи «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар» Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун ва шу қонун асосида чиқарилган қонун ости ҳужжатларининг Конституция талабларига зид эканлиги масаласини атрофлича урганиб чиқишларинингизни, мазкур қонун Бош Қомусимизга мувофиқ келмаслиги хусусида Хулоса беришингизни ва «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун ва қонун ости ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида Олий Мажлис Сенати муҳокамасига тақлиф киритишингизни сўраймиз.

Алимбекова Зарнигор
Алимбеков Қодирбек
Ҳакимова Зарҳала
Эшонқулова Малоҳат
Фозилов Аваз
13 июль, 2016 йил.

Илгарикўп бор таъкидлаганимдек, мен 8 йилдирки собиқ давлат маслаҳатчисининг ўғирликларини фош қилиш билан шуғулландим.

Коррупцияга қарши курашишим ортидан ёлғизгина ўғлим Ғайрат Негмановга нисбатан чидаб бўлмас босимлар бошланиб кетди.

Ҳуқуқ-тартибдор идораларининг ценарийси асосида қўшним Ягишев Насим билан ўғлим ўртасида жанжал уюштирилди. Бунинг оқибатида олий ўқув юртига бюджетга ўз салоҳияти билан киришга эришган 22 ёшли ўғлим Ғайрат Негманов ва қўшним Ягишев Насимга нисбатан УзРесЖКнинг 277-моддаси, 2-банди билан жиноят иши қўзғатилди. Бироқ, гарчи, қўшни ўртасида уюштирилган жанжал ўғлимнинг боши ёрилиши, тан жароҳати олиши, мия чайқалиши каби ташхезлар билан шифохонага ётқизилиши билан яқун топган бўлишига қарамасдан, асосий айбдор ўғлим бўлиб қолаверди. Жабрдийда ҳам ўғлим, жиноятчи ҳам ўғлим бўлиб қолди.

Ҳуқуқ-тартибдор идораларидаги адолатсизликни қараңки, қўшним Насим билан ўғлим УзРесЖКнинг 277-моддаси, 2-банди билан айбдор деб топилган бўлса-да, 2016 йилнинг 20 июль куни бўлиб ўтган Жиноят ишлари бўйича Яшнаобод туман судида қўшнимиз Ягишев гувоҳ курсисига, менинг фарзандим эса қўллари кишанланган ҳолда панжара ортига, жиноят курсисига ўтқизилди.

Аслида, ўғлимнинг ИИБ томонидан ўғирланиши тўсатдан рўй бреди:



Чамангул Негманова: Ўғлим Ғайратдан жиноятчи ясашмоқчи...

2016 йилнинг 27 июнь куни Тошкнет Шаҳар, Бектемир тумани ИИБ ходимлари томонидан дўқондан нон олиб қайтаётган 1994 йилда туғилган ўғлим Ғайрат Негманов кутилмаганда куч ишлатиш йўли билан мажбурий тарзда машинага босиб олиб кетилиди ва бир сутка давмида ушлаб турилгач, пинҳонан Яшнаобод туман ИИБ идорасига тортиқ қилиб юборилди.

ИИБ ходимларининг юқоридаги каби ноқонуний ҳаракатлари токи суд жараёни бошлангунга қадар, яъни 24 кун давомида мендан,

ондан сир тутилди.

Тошкнет шаҳар Яшнаобод ва Бектемир туман ИИБ ходимлари уюшган ҳолда Ўғлим Негманов Ғайратнинг бўйнига қастдан тўхмат, уйдирма ва бўҳтондан иборат сохта айбловларни илишга уриниб келишмоқда.

ИИБга кўра, гуёки ўғлим “побег”да эмиш. Гуёки қидирув-қидира, ИИБ болам қидирувга берилганмиш. Қидирувда юрган ўғлим Ғайратни дўқондан нон олиб уйга қайтаётганида кўчадан топиб олиб, тутиб кетганмиш...

Бироқ, ИИБ ходимларининг айбловларида асос йўқ. Чунки ўғлим Олий ўқув юртида ўқийди ва ҳар куни ўқишга борганлиги тўғрисида йўқламадан ўтган ва давлат имтиҳонларини топширган. Уқишни тугатгач, таътилга чиққач эса орадан 10-15 кун ўтгач, қидирувдаги одам мақомида кўчадан тутиб олиниб, машинага босиб олиб кетилиб, шу кунга қадар ноқонуний тарзда пинҳон тарзда Тоштурмада сақланиб келинган.

Яна бир шубҳали томони шундаки, 2016 йилнинг 20 июль куни соат 14.00 да Жиноят ишлари бўйича Яшнаобод туман судининг жиноятчи судьяси Нурматов Зафар Абдуваҳобович ҳудудий жиҳатидан ўзига тегишли бўлмаган (УзРесЖКнинг 391-моддаси) ўғлим Ғ. Негмановга боғлиқ ишни ноқонуний равишда кўришга чоғланди.

Суд мажлисини бошлашдан аввал жиноятчи судья Зафар Нурматов

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Қани, Чамангул Негманова?” деганча мени суд залидан ҳақоратли тарзда ҳайдаб чиқарди.

Уғлим Ғайратга оид суд жараёнида судья Нурмтаов жиноят иши моҳиятини таҳлил қилиш бир ёқда қолиб, “Негманова ёзувчи, ёзмаган одами қолмаган” дея, менинг, судланувчининг онасини муҳокамасига ўтиб кетган.

Суд мажлисида қандай гаплар бўлганидан мутлақо беҳабарман. Билганим шуки, суд тугагач, панжара ортидан қўллари кишанланган, кийимлари йиртилган, сочлари тагидан қириб олиб ташланган, озиб-тўзиб кетган, ўта тушқун ҳолатдаги ўз ўғлимни таний олмай, анча вақтга қадар унга тикилиб қолдим.... Она бола бир-биримизга термулганча қолавердик...

Уғлим бунингдек адолатсизликдан, зўравонликлардан унсиз йиғларди.

Уғлим Ғайрат Негмановни 26 кундан бери ноқонуний тарзда бандиликда ушлаб турган ва фарзандимдан жинотячи яшагга уриниб келаётган одил судловни майнавозчилкка айлантириб, одамларнинг тақдири билан

ўйнашган масхарабоз ва жиноятчи судья Зафар Нурматовга Олий суд раисидан қонуний чора қўллашینی сўрайман.

Шунингдек, Республика Бош прокуратурасидан айбсиз айбдор қилиш мақсадида ўғлимга нисбатан сохта айбловлар ёпиштиришга уринган судья Нурматов билан ўзоро жиноий тил бириктирган жиноий шериклари Яшнаобод туман прокурори, Яшнаобод ва Бектемир туман ИИБ ходимлари ҳам қилган жиноятлари учун қонун олдида жавоб беришларини таъминлашینی талаб қиламан.

Уғлим Ғайрат Негмановни айбсизлиги зудлик билан қонунан тан олиниб, озод қилинишини, ҳақиқий зўравон Ягишев Насимга қонуний чора қўлланишини сўрайман.

Уғлимни 26 кундан бери ноқонуний тарзда Тоштурмада тутқунда ушлаб келаётган ҳуқуқ-тартибод идоралари ходимлари қонун олдида жавоб беришлари таъминлансин.

Шу билан бирга, БУТУН ДУНЁ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НАМОЁНДАЛАРИГА, МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҲОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЭЛЧИХОНАЛАРИГА,

ЖАМИКИ ДЕМОКРАТИК МАМЛАКАТ РАҲБАРЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛАМАН:

Мамлакатда илдиз отган коррупцияга қарши курашганим ортидан менинг овозимни ўчириш пайида бўлган ҳуқуқ-тартибод идоралари ходимларининг босимлари остида қолиб кетган ўғлим Ғайрат Негмановга ёрдам беринг. Уғлимдан жиноятчи яшашларига йўл қўйманг. Уғлимнинг ҳаёти хавф остида. Боламни қутқаринг. Мен ва ўғлим сизнинг кумагингизга муҳтожмиз.

ШУНИНГДЕК:

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча ҳорижий мамлакатлар элчихоналари вакилларини, барча ваколатхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти жонқуярларини, мустақил журналистларни 2016 йилнинг 22 июль кунини Тошкнет вақти билан 14.00 да Жиноят ишлар бўйича Яшнаобод туман судида ўғлим Негмановга оид суд мажлиси давом этади.

Барча-барчангшиздан суд жараёнининг кузатувчиси сифатида иштирок этишларингизни сўрайман.

Чамангул Негманова



Туркиядаги давлат тўнтариллиши урунишидан сўнг қатор ташкилотларда исёнга даҳлдор дея гумон қилинган шахсларни ҳибсга олиш амалиёти давом этмоқда.

Туркия президентининг адъютанти ҳам исёнчилардан бўлиб чиқди

Амалиёт доирасида Туркия президенти Ражаб Тойип Эрдуғоннинг адъютанти полковник Али Ёзувчини ҳибсга олиш қарори чиқарилган.

15 июл кечаси Президент Бош Қотиби Фаҳри Қосирғанинг ўғирланишида полковник Ёзувчининг ҳам иштирок этгани айтилмоқда. Ёзувчининг, “давлат тўнтариллиши урунишини амалга

оширишга алоқадор шахслар рўйхати” доирасида қўлга олингани, сўроқ қилингандан сўнг вазиятга аниқлик киритилиши билдирилди. Президент Эрдуғон, 15 июлдан 16 июлга ўтар кечаси Отатурк аэропортида ўтказилган матбуот анжуманида “Бош қотибимни ҳам ўғирладилар”, деган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Туркия инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни тўхтатди

Туркия Бош вазир ўринбосари Нўмон Куртулмуш, эълон қилинган фавқулотда вазият режими вақтида мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича Оврўпа конвенцияси фаолияти тўхтатиб турилишини баён қилди.

Унинг сўзларига кўра, фавқулотда вазият режими бир-бир ярим ой давомида тугатилиши лозим.

“Биз Туркияда фавқулотда

вазият режими бир-бир ярим ой давомида тугатилишини истаймаз.

Комендантлик соатини жорий қилишни режалаштираётганимиз йўқ. Аммо фавқулотда вазият режими амал қилаётган пайтда, инсон ҳуқуқлари бўйича Оврўпа конвенцияси фаолияти вақтинча музлатиб қўйилади”, — деган Бош вазир ўринбосари.

ЎХХ хабарлар бўлими

Таъзия

20.07.2016 кунини муҳолифатчи фаол Ҳамидулла Нарбеков 52 ёшида вафот этгани тўғрисида Самарқанднинг Иштихан туманидан хабар олдик. Шу муносабат билан марҳумнинг оиласига, қариндош-уруғлари ва яқинларига таъзия билдирамиз. Ҳамидулла Нарбеков биродаримиз охират саодатига эришсин, жойлари жаннатда бўлсин, уни Аллоҳ раҳматиға олсин.

ЎХХ раҳбарияти

Мўминдаги фаросат нури унинг энг афзал жиҳатидир. Зотан, бу ҳадиси шариф билан ворид бўлган таъриф. Фаросатсизлик эса энг катта хатолик, энг улкан душман ва тузалмас аҳмоқликдир. Минг афсуски, бугун Каримов Ўзбекистонда бефаросатларча қилинаётган ишлар ошиб-тошиб ётибди.

Шу ишлардан бири “олий” дея сифатланадиган, аслида ғирт қоқ таълим тизимидадир. Яна шуни айтиш керакки, бу “олий” таълимга нисбатан “тизим” сифатини бериш ҳам уятли. Чунки бу ерда тизимнинг “т” ҳарфи ҳам йўқ, албатта. Бирок



ЎЗБЕКИСТОН “ОЛИЙ” ТИЗИМИДАГИ БЕФАРОСАТЛИКЛАР

вазиятни англатиш ва фикримизни етказиш учун биз уни “тизим” деб аташга розимиз.

Бу “олий” тизимдаги бефаросатликларнинг энг каттаси мамлакатда ҳамон кириш имтиҳонларининг сақланиб қолганидир. Ҳамма замонларда олий ўқув юртига кириш учун имтиҳон жорий қилинар экан, унинг ижобийдан кўра салбий натижалари кўп бўлган. Кириш имтиҳонлари халқ ва таълим ўртасига қўйилган катта девордир. Ҳар қандай имтиҳон нисбийдир. Талаба университетга таълим олгани кирар экан, ундан катта илм базасини талаб қилиш тўғри эмас. Чунки илмга қизиққан ҳар бир талаба алоҳида ҳодиса. У илм даврасига киргач ўзгариши мумкин – яъни илмга рағбати ошиб, қулфи дили очилиши табиий.

Иккинчи бефаросатлик кириш имтиҳонларининг тест шаклида ўтказилишидир. Каримовнинг аҳмоқона сиёсатини қарангки, бутун мамлакат учун тест маркази деган бир ташкилот туздирган. У ташкилот аллақачон порахўрлик масканига айланган. У ташкилот фақат ҳукуматга бўйсунди. У ерда айланадиган пора миқдорини тасаввур қилиш қийин, чунки у ер жиний тизимнинг ўзгинасидир. Тест билимни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши мумкин, лекин унинг на манتيкий фикрлашга, на нутқ ривожига, на ёзма қобилиятнинг юзага чиқишига, на талабанинг ахлоқига ижобий таъсири бор! У фақат одамни соқов бўлишга ўргатадиган нарсадир, холос. Тест тизими аслида Каримовнинг қабиҳ

режаларидан бири бўлгани ҳақида аввал ҳам тўхталган эдик. (Ушбу манзилга қаранг:)

Учинчи бефаросатлик шуки, Ўзбекистонда барча университетлар ҳукуматга қарайди. Ҳамма жойда Каримов шахсияти улуғланади ва илм берилмайди. Ўзбекистон шунинг учун йилдан йилга саводсизлар ўлкасига айланмоқда. Агар бирда-яримда бирор ҳақиқий талаба чиқиб қолса, бу ҳам бўлса, эски фидойи устозларнинг хизмати сабабидандир.

Тўртинчи бефаросатлик эса талабаларнинг, илм аҳлининг фикрлашга ҳаққи йўқлигидадир.

Хуллас, ҳозир бутун мамлакатда салкам 600.000 битирувчи бор. Уларнинг 60 мингга яқини талаба бўлиши мумкин, талаба бўлиш истагида бўлганлар сони ҳар йили 300 мингдан ошиб кетади. 15 августда мандат деган ўта мантисиз тадбирдан сўнг 60 минг хом-пишиқ, чирик-ирик аралаш – яъни асосан, тест сотиб олиб ёки бировларнинг қалласи эвазига улкан миқдорда пора бериб талаба бўлганлардан бошқа 240 минг ёш йигит-қиз эса орзулари қурбон бўлиб кўзларида ёш билан қоладилар.

Хўш, аслида чинакам олий таълим тизими қандай бўлади?

Барча университетларга ўзини эркин бошқарши ихтиёри берилиши лозим. Улар ўз йўналишларини ўзлари ҳал қилишлари керак. Улар фақатгина белгилаб қўйилган баъзи истиснолардагина мамлакат олий бошқрув тизимига ҳисобот беришлари мумкин, аммо 99 фоиз фаолиятини мустақил ташкил

қилиши лозим.

Барча университетлар чекланмаган миқдорда талаба қабул қилишлари керак. Университетларга кириш истагини билдирган ёшлар сони унинг мавқеини белгилаб беради. Кириш имтиҳонлари, табиий, бўлмайди. Шароитга қараб баъзи синовлар, оғзаки суҳбатаар ўтказилиши мумкин. Талабанинг иқтидори етарли бўлса, унга олий таълимда ўқиш имкониятини берадиган (етарли илм базасини йиғиш учун) бошланғич курслар очиб берилади. У ерни битирган йигит-қиз университетда ўқийверади.

Университетларда таълим 100 фоиз шартнома асосида олиб борилади. Талабанинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб унга энгиликлар, чегирмалар берилади. Талабанинг иқтидори учун университетнинг ўзи ёки бошқа ҳомийлар ўз стипендия ёки грантларини тақдим қилишлари мумкин.

Университетларда таълим қатъий шаклда олиб борилиб, ўзлаштиришида суст бўлганлар, университетларнинг ўзлари шакллантирган ички қодаларни бузганлар ўқишдан ҳайдаладилар ва ҳоказо.

Агар биз қисқа шаклда баён этган ушбу тизим жорий қилинса, мамлакатдаги илмий салоҳият атиги бир неча йилда биз тасаввур қилмаган даражада юксалади. Чунки бугун ҳар биримиз Ўзбекистонда таълим ва фан сиртмоққа солинганини билиб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

турибмиз. Аммо Ўзбекистон ёшлари илм олишда жуда илғор ва уларнинг катта қисми ўқишни истайди.

Ҳозирги ҳолатга бир назар солинг. Бутун мамлакатда ҳар йили ёз ойлари безовтагарчилик. Хужжат топширишнинг ўта қоқоқ шакли. Бу борада онлайн тизим

умуман ривожланмаган. Хужжат қабул қилиш учун университет ўқитувчи профессорларининг, талабаларининг бепул ойликсиз ишга жалб қилиниши. Тест пайтидаги ўйинлар. Фарзандларини 8000 доллардан 50 минг долларгач бўлган миқдордаги пора билан ўқишга киритиб, яна унга ҳар йили 2 минг доллардан кўпроқ миқдорда шартнома пули тўлаб ўқитаётган

ота-оналар...

Бу ердаги таълимга кўнгли тўлмаб хорижга ўқигани кетиб, у ерда ўқиб, сўнг қайта олмаётган минглаб ёшлар...

Буларнинг ҳаммаси аини бекфаросатликнинг ўзидир. Ёки миллатга қилинаётган кечирилмас жиноят ва хиёнатдир. Вазиятни ўзгартириш вақти етиб келди.

Абдуллоҳ Нусрат



Таниқли олим ўлимидан аввал ўзга сайёраликлар суратларини эълон қилган

Америкалик таниқли олим Бойд Бушман, АҚШда ўта махфий лойиҳалар амалша ошириладиган Невада штатидаги “51-худуд” дея номланувчи ҳарбий базада ерга ташриф буюрган ўзга сайёраликлар борлигини эълон қилди!

АҚШлик таниқли олим Бойд Бушман бу марказда муҳандис бўлиб

ишлаган вақтида яширин равишда олган ўзга сайёраликларнинг суратларини эълон қилди. Бушман АҚШ расмийлари томонидан катъиян инкор қилинган “51-худуд” марказини кўрганини ва у ерда ўзга сайёраликлар устида тадқиқотлар олиб борувчи бир гуруҳ олимлар борлигини айтди. Бойд Бушман

далил сифатида у ерда олинган суратларни кўрсатган.

“Душман бўлган ўзга сайёраликлар бор!”

Узун бармоқлар ва пардали оёқлар соҳиби бўлган ушбу ўзга сайёраликларнинг “Quintumnia” номли бир сайёрада туғилганликларини илгари сурган Бушман, Невададаги тадқиқот олиб борган олимларнинг уларни икки гуруҳга ажратиб, бирлари ерликларга яқинроқ бўлсалар бошқалари эса душман каби муносабатда бўлишганини таъқидлашган.

АҚШ бу борада ҳеч қандай изоҳ бермади!

40 йилдан ортиқ экспертиза ва патентлар устида иш олиб борган Бойд Бушман Hughes Aircraft, General Dynamics, Lockheed Martin ва Texas Instruments каби ширкатларда олиб борилган муҳим тадқиқотларда иштирок этган. Бушманнинг бу эътирофларига АҚШ тарафидан ҳануз бир изоҳ берилмади.

“АҚШ ҳукуматига хизмат қилган ўзга сайёраликлар бор”

Бушман АҚШ расмийлари томонидан катъиян инкор қилинадиган “51-худуд” марказини кўрганини ва у ерда ўзга жонзодлар устида тадқиқотлар олиб борувчи бир гуруҳ олимлар борлигига шохид бўлганини айтади.

“51-худуд”даги ўзга сайёраликларнинг баъзилари 250 ёшда эканлигини айтган Бушман, улардан 18 тасининг АҚШ ҳукумати учун хизмат қилганини таъқидлаган.

“51-худуд” нима?

Яна бошқа кўплаб номлар билан аталувчи “51-худуд” Америка Қўшма Штатларининг Мудофаа вазирлиги ва Ҳаво



(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кучларига тегишли бўлиб, уоч ва душман курулларини тафтиш, анализ ва тадқиқ қилиш маркази сифатида қўлланиладиган ер сифатида маълум. Шунингдек янги уочларни синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш мақсадида қўлланилиши ҳам айтилади. НУЖ назарияси устида иш олиб бориши билан машхур.

“51-худуд” ҳақиқатми?

“51-худуд” АҚШнинг Лас Вегас шаҳридан 153 км шимолда, Грум қўли яқинида жойлашган бўлиб, Невада синов ва Неллис Ҳаво кучларига қарашли худуди билан ўраб олинган. Энг яқин



Жуда кучли хавфсизлик чоралари кўрилган

“51-худуд”нинг махсус хавфсизлигини Cammo Dudes деб номланувчи соқчилар таъминлайди. Чегарага яқинлашган одамларни ва транспорт воситаларини аниқ бир вақтдан сўнг огоҳлантириш ҳукукига эгалар. Огоҳлантиришдан сўнг чегарадан узоқлашмаган шахслар катта миқдорда жаримага тортилишади.


Саммо Дудес ларнинг рутбаси йўқдир. “51-худуд”нинг юқори ҳарбий рутбали соқчиларида эса чегарани бузган шахсларни ўлдириш ҳукуки бор.



яҳоли пункти шимолий чегарасида жойлашган Рейчел шаҳарчасидир. “51-худуд” 76 кв км майдонда жойлашган бўлиб, унинг катталиги Коннектикут штатидан бироз кичик бўлиб, Ливандан эса каттароқдир.

“51-худуд” нима сабабдан сир тутилади?

Лас Вегасдан 130 мил узоқликда, ташландик 375-Невада автомобил йўлида Mile Marker LN 29.5 манзилида, маҳаллий фермер томонилан фойдаланиладиган фақатгина битта почта қутиси бор. Black Mail Box (Қора почта қутиси, ҳозирла оқ ранг) ушбу кенг магистралдаги ягона чегара нуқтаси бўлгани учун, ўзга сайёраликларга ишонган инсонларнинг келадиған еридир. Чегаранинг бошқа



тарафида бўлган “51-худуд” майдонига кириш катъиян ман қилинади. “Худудга кириш мумкин эмас” ва “хавфсизлик кучлари кирган одамларни ўлдириш ҳукукига эга” деб ёзилган катта баннерлар бор ва ҳар тарафдан хавфсизлик камералари ўрнатилган. Бу жуда маҳфий бўлган базанинг 30 мил атрофида на ердан ва на ҳаводан ҳеч ким яқинлаша олмайди.

Одамлар орасида бу худудда НУЖ ва ўзга сайёраликларнинг қўлга олинганлиги айтилади.



БИР ОЛИМ САРАТОНГА ШИФО ТОПДИ...

Рудольф Брожс исмли австриялик узок йиллар изланишлари натижасида саратон касалига даво топди. У кашф қилган шарбат иммунитетни оширади, конни касалликлардан тозалайди ва танада яширин энергияни уйғотади. Энг муҳими саратон хужайраларини осонлик билан ўлдиради.

Ҳозиргача 54000 киши ушбу шарбат билан даволаниб, яхши натижаларга эришди ва саратон балосидан тўлалигича қутилди.

Шарбатнинг таркиби куйидагича;

- 1) Қизил лавлаги (55%)
- 2) Сабзи (20%)
- 3) Сельдерей (20%)
- 4) Картошка (3%)
- 5) Редиска (2%)

Шарбатни тайёрлаш жуда осон. Юқоридаги сабзавотларни кўрсатилган нисбатда кўшиб, сок сикувчи ускуна воситасида шарбати олинади ва аралаштирилади. Янги шарбат 42 кун давомида фақат чой билан ичилади. Бу даврда саратон хужайралари оч қолиб, халок бўлади.

Мубашшир Аҳмад
Манба: maslahatim.uz

Савол — жавоб

Юрибдими?... Ўлмадими?...

-Ўлмади!

Айтганча пахта тўлдими?

-Тўлмади!

Нахот ёзиб кўшмади?

-Кўшган билан бўлмади.

Бош Вазирга такалди...

Эссиз кўплар қамалди.

Чопган жойим қолмади.

Ҳеч натижа бўлмади.

Хуллас ҳали ўлмади!

Тинчми ўзи?... Юрибдими?...

-Юрибди.

Ўз жойида турибди.

Туролмай ўтирибди.

Барибир тахтда турибди.

Кўринмайдию, қатда?

-Москвада саёхатда.

Вовкада мулоқатда.

Рус улфатдаги “гап”да

Тўла стол зиёфатда.

Сафардан наф бўлмайди.

Хуллас ҳали ўлмайди.

Нима гаплар бўлганмиш?

-Кўп курол сўраганмиш.

Тахтни мустахкамлармиш.

Пулини тўлолмайди.

Қайтариб беролмайди.

Бўлмагани бўлмайди.

Хуллас ҳали ўлмайди!

Тошкент ш. Апрель 2016

М.Мансур

«Бу умрмас, қоп-қора мотам...»

УМР

Гапларингда қанот бор, аммо
Кўтаролмас жисмингни афсус.
Истайсанки, бу ўтар дунё
Мақтаб айтса исмингни ҳар кас.

Ҳақ атайсан айтган сўзингни,
Қим муҳолиф – ғаниминг шаксиз.
Ёпиб олиб қалбинг – кўзингни,
Оламингга нурлар кераксиз.

Йўқ ғанимга курашиб мудом
Умринг ўтар муаллақ, ожиз.
Асл душман ичинг қолиб
Уйламассан у ҳақда ҳаргиз.

Эй сўзларин тиёлмаган зот,
Эй бўҳтонга эрк берган инсон,
Сен ўзингни билмайсан, ҳайҳот,
Танимассан ўзингни ҳамон.

Сен эрк деб баҳо берганинг
Нафсинг тўқиб берган қафасдир.
Ачинаман – очигин айтса,
Истагинг ҳам маълум эмасдир.

Ёд биласан минглаб ҳикматни
Ёд билган бир тўти сингари
Минг афсуски, айтиб юрганинг
Нутқ безашдан ўтмайди нари.

Сукут сақлаб, нафасинг ростлаб
Ёлғиз қолиб ўзинг-ла бир дам
Кимлигингни англаб олмасанг –
Бу умрмас, қоп-қора мотам!..

ЭРК

Ўт тафтини сезолмас асло
Олов ичра куймаган инсон.
Қайдан қадрин билади, ахир,
Эрк ҳиссини туймаган инсон!

Қўллар севмиш кишан захмини,
Бош ҳамиша эгилмакка шай.
Қул бўлганлар қул деб ҳаммани
Қафасларга тикар тўхтамай.

Қашшоқ ҳислар ичра бу умр
Қашшоқликда ўтар букилиб.
Зулм йўли. Қўрқув – уловинг,
Кечар ҳар кун юрак тўкилиб.

То сен эркни истамагайсан,
То қилмассан эзгуликка саъи,
Болаларинг туғилаверар
Қулликка ва чўриликка шай!...

ГҲҮҲҒЛИ

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов